

---

**«ТАСДИҚЛАНГАН»**

«DORI-DARMON» aksiyadorlik  
kompaniyasi aksiyadorlari umumiy  
yig'iliшининг  
2016 йил «3» июндаги  
қарори билан

\_\_\_\_\_ Ш.А.Вафаев

**«DORI-DARMON»**

**Аксиядорлик компаниясининг саноқ комиссияси тўғрисидаги Низом**

---

---

## **I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

- 1.1. «DORI-DARMON» акциядорлик компаниясининг саноқ комиссияси тўғрисидаги мазкур Низом (кейинчалик – Низом) «DORI-DARMON» акциядорлик компанияси (кейинчалик - Компания) Саноқ комиссиясининг мақомини белгилайди ва ишини тартибга солади.
- 1.2. Саноқ комиссияси ўзига юклатилган вазифаларни бажаришда Компания акциядорлари Умумий йиғилишининг доимий мустақил ишчи органи ҳисобланади.
- 1.3. Саноқ комиссияси сайланган Саноқ комиссияси аъзолари орасидан мустақил равишда Саноқ комиссияси Раисини сайлайди.
- 1.4. Саноқ комиссияси вазифасини бажарувчи шахслар томонидан овоз бериш яқунларини чиқариш (овозларни санаш, баённомаларни тўлдириш) жараёнида олинган маълумотлар яширин маълумот ҳисобланади.

## **II. КОМПАНИЯ САНОҚ КОМИССИЯСИ ВА РҲЙХАТГА ОЛУВЧИСИНИ САЙЛАШ ТАРТИБИ**

- 2.1. Компания Саноқ комиссияси Компания акциядорлари умумий йиғилиши томонидан 3 кишидан иборат таркибда Компания акциядорлари йиллик умумий йиғилишида Устав, Компания акциядорлари умумий йиғилиши тўғрисидаги Низом ва мазкур низомда белгиланган тартиб ва шартларда сайланади.
- 2.2. Саноқ комиссиясининг шахсий таркиби комиссиянинг барча аъзолари сайланаётган пайтда рўйхат билан ёки Саноқ комиссиясига қўшимча сайлов ўтказилаётган пайтда ҳар бир номзод учун алоҳида овоз бериш йўли билан амалга оширилади.
- 2.3. Ҳар қандай жисмоний шахс Кузатув кенгаши ва Компания Бошқаруви бундан мустасно тариқасида, Саноқ комиссиясининг аъзоси бўлиши мумкин.
- 2.4. Саноқ комиссиясига амалий кўмак кўрсатиш ёки унинг функциясини бажариш учун мустақил экспертлар жалб этилиши мумкин (масалан, инвестиция маслаҳатчиси ёки қимматли қоғозлар бозорининг бошқа профессионал иштирокчиси).
- 2.4. Саноқ комиссиясининг ваколат муддати тугаган ва Компания акциядорлари умумий йиғилиши Саноқ комиссиясини сайламаган ҳолда, Саноқ комиссияси Компания акциядорлари умумий йиғилишининг энг яқин муддатда ўтказиладиганида сайлангунига қадар унинг ваколатлари давом этади.
- 2.5. Саноқ комиссияси аъзоларининг сони 3 кишидан кам бўлиб қолган ҳолларда, Саноқ комиссиясининг қолган аъзолари фақат Кузатув кенгашига Компания акциядорларининг энг яқинда бўладиган умумий йиғилиши кун тартибига Саноқ комиссиясини сайлаш ёки унинг таркибига қўшимча сайлов ўтказиш тўғрисидаги масалани киритишни сўраб мурожаат қилиш тўғрисида қарор қабул қилишгагина ҳақлидир.
- 2.6. Компания акциядорларининг умумий йиғилиши Саноқ комиссиясининг алоҳида аъзолари ёки Саноқ комиссияси бутун таркибининг ваколатларини муддатидан аввал тугатиш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақлидир.
- 2.7. Агар бевосита акциядорлар умумий йиғилишини ўтказилишидан олдин Саноқ комиссияси ўз вазифаларини бажариш имкониятига эга эмаслиги ёки акциядорларни рўйхатга олиш бошланишидан олдин уларнинг келмаганлиги аниқланса, Кузатув кенгашининг Раиси Саноқ комиссияси аъзоларининг келмаганликлари (вазифасини бажара олмасликлари) сабабларини аниқлайди.
- 2.8. Кузатув кенгаши Раиси томонидан сабаблар узрли ва бир соат ичида уларни бартараф этиш имконияти йўқ деб топилса, Саноқ комиссияси вазифасини Кузатув кенгаши Раиси фармойиши билан тайинланган шахслар бажариши мумкин. Мазкур фармойиш ёзма равишда расмийлаштирилади ва Саноқ комиссияси материалларига қўшиб тикиб

---

қўйилади.

### **III. САНОҚ КОМИССИЯСИНИНГ ВАЗИФАЛАРИ**

- 3.1. Санок комиссиясининг асосий вазифалари акциядорлар умумий йиғилишида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган барча шахсларга тенг имкониятлар яратиш ва акциядорлар умумий йиғилишининг ҳал қилувиغا қўйилган масалалар бўйича уларнинг эрк-иродасини аниқ ва ишончли равишда аниқлаб беришдир.
- 3.2. Санок комиссияси қуйидаги вазифаларни амалга оширади:
- рўйхатга олувчи томонидан тақдим этилган рўйхат (маълумотлар) асосида Умумий йиғилишда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорларнинг рўйхатини тузади;
  - Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунида назарда тутилган ҳолларда ўзларига тегишли бўлган акцияларни сотиб олинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорларнинг рўйхатини тузади;
  - Умумий йиғилишда қатнашаётган акциядорларнинг ваколатини текширади ва уларни рўйхатдан ўтказди, акциядорларни рўйхатга олиш учун рўйхатларни юритади;
  - Акциядорлар умумий йиғилишида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар рўйхатига киритилган шахс номидан ҳаракат қилувчи йиғилиш қатнашчисининг ишончномаси (уларга берилган ваколатларнинг) ва бошқа ҳужжатларининг ҳисобини юритади;
  - Овоз бериш бюллетенлари ва Умумий йиғилишнинг бошқа материалларини рўйхатга олинган йиғилиш қатнашчиларига топширади;
  - Ҳар бир овозга қўйилган масала юзасидан Умумий йиғилиш кворумини аниқлайди;
  - Умумий йиғилишда овоз бериш ҳуқуқини амалга ошириш билан боғлиқ равишда юзага келган масалалар бўйича тушунтириш беради;
  - Овозга қўйилган масалалар юзасидан овоз бериш тартибини тушунтиради;
  - Ўрнатилган овоз бериш тартиби ва акциядорларнинг овоз беришда қатнашиш ҳуқуқини таъминлайди;
  - Овоз бериш пайтидаги акциядорнинг эғалигида бўлган овоз берувчи акцияларнинг сонини аниқлайди;
  - Овозларни санайди ва овоз бериш яқунларини ҳисоблаб чиқаради;
  - Овоз бериш яқунлари тўғрисида баённома тузади;
  - Акциядорлар умумий йиғилиши материалларини, шу жумладан овоз бериш бюллетенларини, ишончномаларни (уларнинг нусхаларини) ва акциядорлар Умумий йиғилишида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар рўйхатига киритилган шахслар номидан бошқа шахсларнинг йиғилишда қатнашишига асос бўлган бошқа ҳужжатларни (уларнинг нусхаларини) архивга топширади;
  - Устав ва Компания бошқа ички ҳужжатларида назарда тутилган бошқа вазифаларни амалга оширади.

### **IV. КОМПАНИЯ САНОҚ КОМИССИЯСИ РАИСИ ВА КОТИБИ**

- 4.1. Санок комиссиясининг Раиси аъзолари орасидан Санок комиссиясининг аъзолари томонидан сайланади. Санок комиссияси исталган пайтда ўз Раисини қайта сайлаш ҳуқуқига эгадир.
- 4.2. Санок комиссиясининг Раиси:
- Санок комиссияси ишини ташкил этади;
  - Санок комиссиясининг мажлисларини чақиради ва уларда раислик қилади;
  - Санок комиссияси мажлисларида баённома юритишни ташкил этади;

- 
- Саноқ комиссиясини Компания акциядорлари ва Бошқарув органлари олдида тақдим этади;
  - Мазкур Низом билан назарда тутилган бошқа функцияларни амалга оширади;
- 4.3. Саноқ комиссиясининг Раиси ва ўринбосари йўқ бўлган ҳолларда унинг вазифаларини Саноқ комиссиясининг аъзоларидан бири Саноқ комиссиясининг қарори билан амалга оширади.
- 4.4. Саноқ комиссиясининг Раиси вазифаларини у йўқлигида бажараётган шахслар мазкур Низом билан Саноқ комиссияси Раиси учун белгиланган барча ҳуқуқларни амалга оширишга ҳақлидирлар.
- 4.5. Саноқ комиссиясининг котиби унинг аъзолари орасидан сайланади. Саноқ комиссияси исталган пайтда уни қайта сайлаш ҳуқуқига эгадир.
- 4.6. Саноқ комиссиясининг Котиби:
- Саноқ комиссиясининг мажлислари баённомасини юритади ва тузади;
  - Саноқ комиссиясининг кирим ҳужжатларини ҳисобини олиб боради ва сақлайди ва чиқим ҳужжатларини ҳисобини юритиб, уларнинг нусхаларини сақлайди;
  - Саноқ комиссияси мажлисларига ҳужжатларни тайёрлайди;
  - Саноқ комиссиясининг барча аъзоларига вазифаларини бажариш учун зарур бўлган ҳужжатларни жўнатади;
  - Саноқ комиссиясининг аъзоларига аввалдан мажлислар ўтказилиши ва Умумий йиғилишга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисидаги тадбирлар тўғрисида хабар беради;
  - Саноқ комиссиясининг аъзоларини Умумий йиғилишларга тайёргарлик кўриш тадбирларини ўтказилиш жойи ва вақти тўғрисида хабардор қилади;
  - Саноқ комиссиясининг Раиси топшириғи билан Саноқ комиссиясининг фаолиятини ташкилий-техник таъминоти бўйича бошқа ҳаракатларни амалга оширади.

## **V. КОМПАНИЯ САНОҚ КОМИССИЯСИ АЪЗОЛАРИНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ**

- 5.1. Саноқ комиссиясининг аъзолари ўз ҳуқуқлари ва мажбуриятларини амалга ошираётганларида акциядорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини кўзлаб ҳаракат қилишлари лозим, Компания акциядорлари ва Компанияга нисбатан ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини виждонан ва оқилона бажаришлари лозим.
- 5.2. Саноқ комиссиясининг аъзоси қуйидаги ҳуқуқларга эгадир:
- Компания мансабдор шахслари ва ходимларидан йиғилиш ўтказилишига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишни ўз вақтида бўлишини таъминлаш мақсадида маълумотлар (ҳужжатлар ва материаллар) сўраш;
  - Мазкур Низомда назарда тутилган ҳоллар ва миқдорларда ўз вазифаларини бажарганлиги учун бадал ва/ёки Компания Саноқ комиссиясининг функцияларини бажариш билан боғлиқ бўлган ҳаражатларнинг қопловини олиш;
  - Саноқ комиссиясининг баённомалари билан танишиш;
  - Саноқ комиссиясининг баённомаларига кўрилган масалалар ва қабул қилинган қарорлар бўйича ўзининг алоҳида ўзгача фикрини киритилишини талаб қилиш;
- 5.3. Саноқ комиссиясининг аъзоси қуйидагиларга мажбурдир:
- Саноқ комиссиясининг вазифа ва функцияларига биноан ўз ваколатлари доирасида ҳаракат қилиш;
  - Алоҳида акциядорлар, мансабдор шахслар ва бошқа шахслар манфаати учун эмас, Компания манфаатларидан келиб чиқиб ҳаракат қилиш;
  - Унга маълум бўлиб қолган яширин маълумотларни ошкора этмаслик;

- 
- Қолдириб бўлмайдиган масалалар юзасидан Саноқ комиссиясининг мажлисларини ўтказилиш ташуббуси билан чиқиш;
  - Саноқ комиссиясининг мажлисларида қатнашиш;
  - Акциядорлар умумий йиғилишларини тайёрлаш ва ўтказишда қатнашиш;
  - Асосланган қарорлар қабул қилиш ва бунинг учун барча зурур бўлган маълумотларни (материалларни) ўрганиш ва Саноқ комиссиясининг барча аъзоларининг эътиборига қарор қабул қилишга аҳамияти бўлган барча маълумотларни етказиш;
  - Саноқ комиссиясига Саноқ комиссиясининг ҳал қилувини талаб қиладиган масалалар тўғрисида ўз вақтида хабар бериш;
  - Саноқ комиссиясининг Раиси ва Саноқ комиссиясининг бошқа аъзоларига унга маълум бўлиб қолган қонун ҳужжатларини, уставни, мазкур Низомни ва Компания бошқа ички ҳужжатларини акциядорлар ҳуқуқ ва манфаатлари нуқтаи назаридан бузилиш ҳоллари тўғрисида хабар қилиш;
  - Акциядорлар умумий йиғилишларида қатнашиш ва йиғилиш қатнашчилари саволларига жавоб бериш;
- 5.4. Саноқ комиссиясининг аъзолари билан Компания номидан Кузатув кенгаши қарори билан Бошқарув Раиси мазкур Низомдаги шартларни ўз ичига олган меҳнат шартномаси тузишга ҳақлидир.  
Мазкур шартноманинг шартлари Саноқ комиссиясининг барча аъзолари учун тенг бўлиши ва Кузатув кенгаши билан келишилган бўлиши керак.
- 5.5. Саноқ комиссиясининг аъзолари уларнинг айбдор ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) туфайли етказилган зарар учун Компания олдида Саноқ комиссияси аъзоси билан Компания ўртасида тузилган шартномада белгиланган тартиб ва шартларда жавобгардирлар. Бунда Саноқ комиссиясининг Компанияга зарар етказган қарорни қабул қилишда қарши овоз берган ёки овоз беришда қатнашмаган аъзолари жавобгар бўлмайдилар.
- 5.6. Саноқ комиссиясининг аъзоси билан Компания ўртасида тузилган Саноқ комиссияси аъзосининг масъулиятини белгилайдиган шартномада мазкур Низомга биноан Саноқ комиссиясининг бир неча аъзоларининг масъулияти белгиланган бўлса, уларнинг Компания олдидаги жавобгарлиги солидар бўлиши назарда тутилиши керак.
- 5.7. Саноқ комиссияси аъзоси шартнома шартларини бузган тақдирида Компания ундан Компанияга етказилган зарарларни қоплашни талаб қилишга ҳақлидир.

## **VI. САНОҚ КОМИССИЯСИНИНГ ҚАРОРЛАРИ ВА ҲУЖЖАТЛАРИ**

- 6.1. Саноқ комиссиясининг мажлисларини ўтказилиш жойи, вақти ва тартиби Раиси томонидан заруриятдан келиб чиқиб белгиланади.
- 6.2. Саноқ комиссиясининг ўз ваколат доираларида қабул қилган қарори Компания барча акциядорлари ва органлари учун мажбурийдир ва қўшимча тасдиққа мухтож эмасдир. Саноқ комиссиясининг қарори Саноқ комиссиясининг бошқа қарори билан бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши мумкин.  
Қарорнинг бекор қилиниши қуйидаги асосларга кўра амалга оширилиши мумкин:
- Қонун, устав ёки акциядорларнинг умумий йиғилиши тўғрисидаги Низом билан белгиланган овоз беришнинг аниқ ва тўғри натижасини аниқлашнинг иложи йўқлигига олиб келган овоз бериш тартиби бузилган ҳолда;
  - белгиланган овоз беришнинг аниқ ва тўғри натижасини аниқлашнинг иложи йўқлигига олиб келган йиғилиш ўтказиш пайтида амалда бўлган уставга ички ҳужжатнинг зидлиги;
  - қарорнинг норматив ҳуқуқий ҳужжатлар ва Компания ички ҳужжатларига зидлиги
-

- 
- 6.3. Саноқ комиссияси мажлисининг баённомасида қуйидагилар акс эттирилади:
- Компаниянинг тўлик номи;
  - Компаниянинг жойлашган манзили;
  - Мажлисда қатнашаётган шахслар;
  - Мажлисда қатнашаётган Саноқ комиссиясининг аъзолари;
  - Мажлисда раислик қилаётган шахс ва котиб;
  - Мажлис ўтказилган сана;
  - Мажлис ўтказилган вақт;
  - Мажлис ўтказилган жой;
  - Мажлис кун тартиби;
  - Кворум борлиги тўғрисида маълумот;
  - Баённома тузилган сана.
- 6.4. Саноқ комиссияси мажлисларининг баённомаси мажлисда қатнашган барча комиссия аъзолари томонидан имзоланади.
- 6.5. Саноқ комиссиясининг баённомалари Компания акциядорлари умумий йиғилиши тасдиғи ёки Компания бошқа органларининг қўллаб-қувватлашига муҳтож эмасдир. Саноқ комиссиясининг баённомаларига Компания муҳри қўйилмайди.
- 6.6. Саноқ комиссиясининг баённома билан бутунлай ёки қисман рози бўлмаган аъзоси, баённомага ўзининг алоҳида ўзгача фикрини илова қилиши мумкин ва бу ҳақда баённомага тегишли ёзув киритилади.
- 6.7. Баённомаларга Саноқ комиссияси аъзоларининг алоҳида фикрлари илова қилинади, ва шунингдек Саноқ комиссиясига келиб тушган қонунлар, Устав, Компания ички ҳужжатларини бузилиши тўғрисидаги шикоятлар (аризалар) ва улар бўйича қабул қилинган қарорлар илова қилинади. Агар баённома икки нусхада тузилган бўлса, алоҳида фикрлар, шикоятлар (аризалар) ва Саноқ комиссиясининг қарорлари баённоманинг иккинчи нусхасига илова қилинади.

## **VII. САНОҚ КОМИССИЯСИНИНГ ҲУЖЖАТЛАРИ ВА ОВОЗ БЕРИШ БЮЛЛЕТЕНЛАРИНИНГ САҚЛАНИШИ**

- 7.1. Овоз бериш натижалари бўйича баённома тузилганидан ва акциядорлар умумий йиғилишининг баённомаси имзоланганидан сўнг, Саноқ комиссияси ҳужжатларни ва ўзи томонидан муҳрланган овоз бериш бюллетенларини Компания архивига сақлаш учун топширади. Компания олинган барча ҳужжатлар ва овоз бериш бюллетенларини сақлайди.